



ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАР ЁРДАМИДА ЧЕТ ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ИЖТИМОЙ МАДАНИЙ КОМПЕТЕНЦИЯНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

¹Бекназарова Ирода Ёрмаматовна

Самарқанд давлат чет тиллар институти ўқитувчиси,

²Самандарова Сарвиноз Улуғбековна

Самарқанд давлат чет тиллар институти магистранти.

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7796914>

ARTICLE INFO

Received: 26th March 2023

Accepted: 01st April 2023

Online: 02nd April 2023

KEY WORDS

Фразеологик бирликлар,
ижтимоий маданий
компетенция, лисоний
билимлар,
мамалакатшунослик
билимлари, маданий
билимлар.

ABSTRACT

Мазкур мақолада фразеологик бирликларни чет тили дарсларида ижтимоий маданий компетенцияни шакллантирувчи омил сифатида ўрганиш масалалари тадқиқ қилинган.

Барчамиз яшаб келаётган XXI глобал ўзгаришлар ҳамда тараққиёт асридир. Албатта бу омил ўз аксини чет тилларни ўргатишда ҳам топади. Хозирги кунда чет тили дунё мулоқоти тили статуси даражасига чиққан. У инсоният ҳаётининг барча жабхаларига тегишли, ҳоҳ давлат миқёсидаги мулоқот бўлсин, ҳоҳ шунчаки саётхатдаги мулоқот бўлсин.

Маданий ижтимоий компетенцияни инглиз тили дарсларида шакллантириш деганда ўқувчиларда ўрганилаётган тил мамлакатаи ҳақидаги лингвистик, эстетик, этик ҳамда маданий билимларнинг бойитилиши тушунилади. Шу билан бир қаторда ўзга миллат маданиятини билмаган ҳолда беҳурмат қилиб қўймаслик учун маданий новербал хулқ-атворга ҳам эътибор қаратиш лозим. Хорижий тил дарслари нафақат ўрганилаётган тил мамлакатаи маданияти ҳақида, балки ўзининг ва ўзга маданиятни қиёслаш орқали умуминсний қадриятлар билан ўқувчиларни таништиради.

Хўш компетенция деганда биз нимани тушунамиз?

Компетенция - бу шахснинг маълум бир ҳаётий вазиятда самарали фаолият учун билим, кўникма ва ташқи ресурсларни сафарбар қилишга, ноаниқлик шароитида ҳаракат қилишга тайёрлиги.

Яна бир талқин, компетенция - бу маълум билим, кўникма ва қобилиятларнинг комбинацияси бўлиб, унда инсон маълумотга ва амалий иш тажрибасига эга бўлиши керак [2].

Ижтимоий-маданий компетенция - бу ўз она юртингизнинг чет тилида ижтимоий-маданий портретини яратишга имкон берувчи компетенция.



Ижтимоий-маданий компетенция учта билим даражасини ўз ичига олади: лингвистик ва мамлакатшунослик бўйича бўлган билимлар, ижтимоий-психологик билимлар, маданий билимлар[1, б. 6-7].

Лингвистик ва мамлакатшунослик бўйича бўлган билимлар – миллий ва маданий аҳамиятга эга бўлган лексик бирликларни билиш, уларни маданиятлараро алоқа шароитида қўллаш қобилиятидир. Миллий мақол ва маталлар, фразеологик бирликлар халқ менталитетининг аксидир. Улар талабаларга ушбу маданият вакиллари ўртасидаги мулоқот қоидалари ва тамойиллари, қадриятлар, устуворликлар тўғрисида билим беради.

Дарс жараёнида ўқувчиларга *warming up* машқи давомида дарс мавзусининг маъносига мос келадиган баъзи фразеологик бирликларни ёки мақолларни таклиф қилиш мумкин. Нутқ машқлари дарснинг энг муҳим қисмидир. Унга ажратилган вақт кичик бўлишига қарамай (атиги 5-7 дақиқа), у бутун дарс учун мавзусини қамраб олиб, ўқувчиларни мавзуга бўлган қизиқишини оширади ва уларни тўғри йўналишга бошлайди. Масалан: ***“Six slick, slim, slender saplings”; “Two tried and true tridents”; “Eleven benevolent elephants”; “Six thick thistle sticks”; “Six sticky skeletons”; “Four fine fresh fish for you”; “Two to two to Toulouse?”; “The sixth shack’s sixth sick sheik’s sixth sheep ‘s sick”; “The two-toed tree toad tried to tread where the three-toed tree toad trod”; “Thirty-three thousand people think that Thursday is their thirtieth birthday”; “Seven sleazy shysters in sharkskin suits sold sheared sealskins to seasick sailors”.***

Қизиқарли машқлар ўқувчиларнинг дарс давомида тил ўрганишга бўлган қизиқишини сақлаб қолиш учун кучли восита ҳисобланади. Талабаларга инглизча ёки она тилидаги фразеологик бирликлар, мақолларни бериб, унинг таржимаси ва инглиз тилидаги изоҳи таклиф қилиниши мумкин. Масалан: ***“Kill two birds with one stone” – “Бир ўқи билан икки қўённи урмоқ”; “It takes two to tango” – “Учинчуси оптиқча”; “As two pigs” – “Икки томчи сувдай”;*** Кейинги вазифалар ҳам айнан шу машқ билан узвий боғланиши лозим.

Ижтимоий-психологик билимлар-ушбу маданиятда қабул қилинган коммуникатив луғатдан фойдаланган ҳолда ижтимоий-маданий шартли сценарийларга, миллий ўзига хос хулқ-атвор моделларига ега бўлиш "агар хоҳламасангиз, ҳеч ким сизни безовта қилмайди"

Маданий билимлар-ижтимоий-маданий, тарихий-маданий, етно-маданий келиб чиқишни билиш ва улардан ушбу маданият егалари билан ўзаро тушунишга эришиш учун фойдаланиш қобилияти [4, б.6].

Маданиятлараро таълим назариясига кўра, чет тилини эгаллаш ўзга халқнинг менталитети ва маданиятига кириб боришни англатади, бошқа маданий ҳамжамиятнинг қарашлари, баҳолари ва тажрибаси билан танишишни ўз ичига олади, чунки ҳар бир миллий тилнинг орқасида муайян халқ учун ажралмас ва зарур бўлган элементлар ва ҳодисалар, дунё манзарасининг миллий-маданий ўзига хослиги мавжуд. Шу билан бирга, дарс жараёнида биз тил кўникмаларидан, шу жумладан эквивалент бўлмаган ва фон луғатидан, шунингдек миллий маданият (миллий реалиялар ва одоб-ахлоқ қоидалари), вербал ва новербал хатти-ҳаракатлар кўникмалари ва қобилиятларидан фойдаланамиз.



Идиома каби фразеологик иборалар нафақат маълум бир халқнинг донишмандлигини, унинг (тил орқали ифодаланган) дунёқарашинини ҳатто латифаларини ҳам қамраб олади. Идиомаларни ўрганиш талабаларнинг дунёқарашини анча кенгайтиради, шунингдек уларга ўрганилаётган тилнинг эмоционал ва образли дунё тасвирини беради.

Кўпгина инглиз иборалари ўхшаш ўзбекча иборалар билан боғлиқ. Кўпинча, бу иборалар ўлик тил ҳисобланмиш қадимий лотин тилидан келиб чиқиши ёки чуқур семантик илдизга эгаллиги билан ўхшашлик касб этади. Масалан: **“Икки ўт орасида қолмоқ”** – **“Between two fires”**; **“The seven wonders of the world”** – **“Дунёнинг етти мўъжизаси”**; **“Within four walls”** – **“Тўрт девор ичида”**; **“Make two ends meet”** – **“Рўзгорни зўрға тебратмоқ”**.

Миллий маданият ҳақида гапирганда, тил соҳибларнинг коммуникатив хатти-ҳаракатлари вербал ва новербал хатти-ҳаракатларни фарқлаймиз. Тарихий анъаналар, урф-одатлар, ижтимоий вазиятлар, шу жумладан юз ифодалари, имо-ишоралар, мулоқот қилиш позалари туфайли жамиятда ишлаб чиқилган тавсия этилган мулоқот қоидаларини акс эттирувчи нормалар ва анъаналарнинг умумийлиги новербал коммуникатив хатти-ҳаракатлар ёки новербал тил деб аталади.

Таълимнинг ўрта босқичида фразеологик бирликлардан фойдаланишга асосланган ижтимоий-маданий компетенцияни такомиллаштириш тизимида қуйидаги компонентлар киритилган:

1. Луғат билан ишлаш:

- Ёдлаш учун тавсия этилган фразеологик бирликларни танлаш.
- Ўзбек тилида берилган таърифларга мос келадиган фразеологик эквивалентларни қидириш.
- Инглиз тилида келтирилган таърифларга мос келадиган фразеологик эквивалентларни қидириш.
- Фразеологик бирликларни алмаштириш.

2. Грамматик конструкциялар билан ишлаш:

- Такрорлаш учун тавсия этилган фразеологик бирликларни танлаш.
- Танланган фразеологик бирликларни такрорлашга қаратилган машқлар.

3. Ижодий вазифалар:

- Кроссвордлар қилиш.
- Фразеологик бирликларни тушунтириш.
- Фразеологик бирликлар ёрдамида жумлалар тузиш.
- Мавзу бўйича фразеологик бирликларни тўплаш.
- Жумлаларни фразеологик бирликлар билан тугатиш.
- Фразеологик бирликлардан фойдаланишдаги хатоларни топиш ва тугатиш.
- Асл фразеологик бирликни аниқлаш.

4. Таржима кўникмаларини ўзлаштириш.

Ўқув жараёни муваффақиятининг асосий шартларидан бири бу ўқитишнинг ўрта босқичида чет тили дарсларида фразеологик материалдан фойдаланишдир. Дарс жараёнида маданиятлараро алоқа ўрнатади, давлатлар чегаралари кенгайиб, очилади ва ўчирилади.



Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, чет тилини ўрганишда тўғри ишлатилган фразеологик бирликлар талабаларга нутқ фаолиятининг барча турлари билан чамбарчас боғлиқлиги туфайли материални ўзлаштиришга, тил ҳақида билим тўплашга ва тил орқали олинган билимларга ёрдам беради [5, б.39].

Замонавий жамиятда фразеологик бирликлардан фойдаланиш муҳим коммуникатив функцияни бажаради. Фразеологик материал лингвистик ва фактик билимларни сақлашга имкон беради, ишончли фикрлаш воситаси бўлиб хизмат қилади, чет тилида гапириш, тинглаш ва ўқишни рағбатлантиради. Таъкидлаш жоизки, ижтимоий-маданий компетенция кўникмаларининг етишмаслиги хорижий маданият вакиллари билан мулоқот ва ўзаро тушунишни сезиларли даражада мураккаблаштиради.

References:

1. Бутырская О.Г. Формирование социокультурной компетенции при обучении русскому языку как иностранному / О.Г. Бутырская // Международное сотрудничество в образовании: материалы IV Международной научно-практической конференции. — Ч. 2. — СПб.: СПбГПУ, 2004. — 300 с.
2. Воробъев Г.А. Развитие социокультурной компетенции будущих учителей иностранного языка // ИЯШ. 2003, №2. – с.30-35
3. Полонский В. М. Словарь по образованию и педагогике. М.: Высшая школа, 2004 год
4. Соловова Е. Н., Апальков В. Г. Развитие и контроль коммуникативных умений: традиции и перспективы – М.: Педагогический университет «Первое сентября», 2010, лекции 5-8.
5. Турдиева Н. Ё., Давиров Н. Ш. Идиолект ва идиоуслуб муаллиф шахсининг лисоний кўриниши сифатида //Conferencea. – 2023. – С. 38-41.